

БЕРДАҚ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ
ҚАРАШЛАРИ



Г.ПИРЖАНОВ

**БЕРДАҚНИНГ
СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ҚАРАШЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 691.328.1
КБК 83.3 (5Ўзб-6Кар)
П-46

П-46 **Г.Пиржанов. Бердақнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 44 бет.**

ISBN 978–9943–4493–5–0

Ушбу монографияда XIX асрда яшаб ўтган Бердақ (Бердимурод) Қарғабой ўғлининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳақида фикр юритилади.

Монография кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 691.328.1
КБК 83.3 (5Ўзб-6Кар)

Масъул муҳаррир:

Ҳ.Бобоев – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик,
ю.ф.д.проф.

Тақризчилар:

М.Утемуратов – юридик фанлари номзоди, доцент;

М.Нажимов – юридик фанлари номзоди, доцент;

С.Ҳасанов – академик, педагогика фанлари доктори, профессор.

ISBN 978–9943–4493–5–0

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

К И Р И Ш

XIX асрда яшаб ўтган Бердақ (Бердимурод) Қарғабой ўғли қорақалпоқ адабиётининг энг таниқли номоёндаси, ёзма адабиётни энг юксак чўққиларга кўтара олган ижодкор, халқ орзу-умидларини ўз асарларида, кўшиқ ва дostonларида куйлаган моҳир санъаткор сифатида шуҳрат қозонди. қорақалпоқ адабиётида оғзаки ижод билан ёзма адабиёт намуналарини, ижод техникасини ажойиб равишда уйғунлаштира олган улуғ шоир ва бахши ўз асарларининг мазмун-моҳиятини, халқчилиги, тарихий аҳамиятга кўра шундай бир юксак тараққиёт даражасига кўтара олдики, Бердаққача бўлган қорақалпоқ шеърляти тарихида бунчалик халқчил талкинларни адабий асарларга муҳрлаган бошқа бир қудратли ижодкорни билмаймиз. Бердақ ўзининг панд-насиҳат мавзусидаги шеърляри, тарихий шеър ва дostonлар, юксак ахлоқ ва этика намуналяри бадий тасвирланган асарляри тимсолида қорақалпоқ маданияти, адабиёти, тарихи ва этнографияси учун ниҳоятда улкан аҳамиятга эга бўлган адабиёт дурдоналярини мерос қилиб қолдирди. Ўз навбатида, унинг ижодиёти ҳам ҳақ томонидан севиб қарши олинди, мутолаа қилинди, тингланди ва халқ адабиётининг, санъатининг ўлмас намуналяри сифатида эъзозланади. Шунинг учун ҳам биз Бердақ истеъдоди, шахсияти тимсолида улуғ шоир ва моҳир созандани билимдон тарихчиси ва хушовоз бахшини, этнограф ва илм-фан фидойисини кўз олдимишга келтирамыз.

У шеърляри кўшиқлар, тарихий шажара ва дostonлар, дидактик мазмундаги шеърляри ижод қилди, уларни халқ орасида, тўймаъракаларда ижро этди ва шу каби холис хизматляри билан ҳам адабиётга, ҳам санъат ва маданиятга, ҳам тарих ва илм-фанга таъсир кўрсатди. Шу маънода, унинг қорақалпоқ маданияти, тарихи, илм-фани ва айниқса, адабиёти учун қилган хизматляри аҳамиятини тожик адабиётидаги Рудакий, ўзбек адабиётидаги Навоий, туркман адабиётидаги Махтумқули, қозоқ адабиётидаги Абай ижодиётининг аҳамиятига қиёс қилсак ўринли бўлади.

Бердақ асарлярини, йиғиш китоб ҳамда нашр эттириш, тарғиб қилиш ишлярида фаол қатнашган таниқли олимлар Нажим Дав-

қараев, Қалли Аймбетов, Исмоил Сағитов, Қирқбай Бойниёзовларни, Бердақ асарларини халқ оғзидан ёзиб олишда қатнашган Шамшет Хўжаниёзов, Садирбой Мавленов каби фидойи тадқиқотчиларни, Бердақ ҳақида бадиий асарлар яратган шоир ва адиблар Ўтиш Алчинбой ўғли, Аббас Добилов, Содик Нуриμβетов, Жўлмирза Оймирзаев, Тўлепберген Қайпбергенов, Ибройим, Юсупов, Абдулла Содиковларнинг номларини ҳам шу ўринда санаб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Чунки уларнинг беминнат хизматлари, савобли меҳнатлари туфайли Бердақ асарлари халқимиз кўлига китоб ҳолида етиб борди, унинг сиймоси (образи) бадиий тасвирга эга бўлди, шоир ижодиётининг бадиий-эстетик, адабий-тарихий аҳамияти ўзининг ҳаққоний баҳосини олди. Бинобарин, биз ҳам Бердақ ижодиётидаги сиёсий-ҳуқуқий дунёқараш масалалари бўйича олиб борган тадқиқот ишимизда юқоридаги олимлар, шоир ва адибларнинг Бердақ бақши ҳақидаги адолатли фикрларига қайта-қайта мурожаат қилдик, уларни ўқиб-ўргандик ва тадқиқодимиз доирасида таҳлилдан ўтказдик. Натижада эса Бердақ Қарғабой ўғли ижоди, асарлари асосида XIX аср қорақалпоқ бадиий тафаккурида, фалсафасида, оғзаки ижодида, маданиятида ва турмуш тарзидаги янги йўналиш мавзуси-сиёсий, ҳуқуқий, демократик дунёқараш таҳлил қилинди ҳамда бу мавзу илк бор қаламга олинди. Бинобарин, муаллиф жуда куплаб бердақшунос олимлар, файласуфлар, тарихчилар билан суҳбатлашиш, уларнинг асарлари билан танишиш ва Бердақ замонаси ҳақида ўша замоннинг илм-фани, турмуш тарзи, халқнинг тирикчилиги ҳамда орзу-ниятлари борасида маълум хулосалар чиқариш ҳамда ушбу хулосаларни замонавий тушунчалар асосида таҳлилдан ўтказишга тўғри келди. Шунга кўра, кўлингиздаги тадқиқот ана шу йўналишдаги илк изланишлар самараси бўлиб, тадқиқодимизда Бердақ яшаган замоннинг ҳуқуқий-сиёсий тафаккури, билимлар даражаси, халқнинг турмуш тарзи ва урф-одатларидаги майда икир-чикирларигача синчиклаб ўрганилди ва таҳлил доирасидан ўтказилди.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Бердақ икки хил давлат тузумида яшаб, иккала тузумнинг ҳам жамиятни бошқарув, қонун ва ҳуқуқ, солиқ, давлат муассасалари фаолиятидан ижобий ва сиёсий жиҳатларни қиёслаш имконига эга бўлган ижод кишиси эди. Шунга кўра, унинг ижодида ҳам Хива хонлиги давлат тузумининг,

ҳам чоризимнинг бошқарув тизимига, қонунчилигига, ҳукумат фармонларининг ижросига баҳо берилган, қиёсланган, яхши ва ёмон, ижобий ва салбий томонлари ҳаққоний, бадиий санъат талаблари асосида асарга олиб кирилган ўринларни (сатрларни) таҳлилдан ўтказдик. Бу эса бизга, шу билан бирга илмий ишимиз мавзусига қизиққан ўқувчиларга янги-янги фикр-мулоҳазаларни, баҳс ва мунозара қилишга муносиб илмий-ҳуқуқий дунёқарашни таниш, таҳлил қилиш, илмий тадқиқод доирасига олиб кириш имконини бердики, бу жиҳатдан ҳам танлаган мавзумизнинг ниҳоятда мураккаблигини, масъулиятли эканини қайта-қайта ҳис этиб турдик. Зеро, Бердақ ижодиёти, унинг тарихий шеър ва дostonлари, у яшаб ўтган замоннинг турмуш тарзи, урф-одатлари масалага ўта жиддий ва масъулият билан ёндошиш талаб қилади. Демак, илмий тадқиқодимиз тилга олиб ўтилган жиҳатлар билан ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Мавзумизга доир муаммонинг яна бир нозик жиҳати бор бу шундан иборатки, Бердақнинг ижодий мероси-асарлари, шеърлари, дoston ва тарихий шажара (шеърӣй тарих)си – бўлар ҳаммаси қорақалпоқ халқининг энг эъзозли мулки, руҳӣй-маънавий дунёси, ўтмиш маданиятининг улуғ хазинаси ҳисобланади. Бердақ ижодидаги ҳар бир бадиий детал, ҳар бир оз ва образ, ҳар бир воқеа ёки лавҳанинг ўз аҳамияти, ўз ўрни ва тарихи бор. Демак, уларни таҳлил қилар эканмиз, ўша сўз ёки тарихий воқеанинг асл моҳиятини англаб етиш, унинг аҳамиятини ҳеч бўлмаганда Бердақ бобомиз тушунганидай тушунишга, идрок қилишга ҳаракат қилишимиз шарт. Таниқли қорақалпоқ олими, устоз аллома Нажим Давқораев ёзганларидай: «Бердақ ижодининг ўзига хослиги шундаки, у ўзидан аввал ўтган шоирлар қатори ўз асарларида қорақалпоқлар ҳаётини теран ифодалаш билан бирга, халқ ўтмиш ҳаётига боғлиқ бўлган кенг миқёсдаги эпик асарларни дostonларни мерос қилиб қолдирди ҳамда халқ ҳаётини бадиий-реал тасвирловчи полотно (бадиий манзара)лар яратди». Эндиликда биз Бердақ ижодиётини, унинг шеър ва дostonларини таҳлил қилишга, идрок этишга киришаётган авлод, унинг асарларидаги ҳаёт манзараларини, турмуш тарзига доир лавҳаларни худди ҳужжатли кино ленталарига муҳрланган тарихий факт сингари ўқиймиз, қабул қиламиз ва ўрганамиз. Унинг ўзи ёзиб қолдирган каби:

**Бердимурод айтар, тополмай ҳақни,
Ўлиб кетар бўлди очилмай бахти,
Бердимурод – халқни, халқи – Бердақни,
Ёлғизиндай кўрар жондан яхшироқ!**

БЕРДАҚ ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН ДАВРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

Бердақ (тўлиқ исми Бердимурот) Қарғабой ўғли 1827 йилда қорақалпоғистоннинг Орол денгизи жанубий қирғоғи ҳудудида камбағал оилада туғилган. Унинг ёшлиқ чоғи қашшоқлик ва йўқчиликда ўтди, сабаби Бердақ 10 ёшида ота-онасидан етим қолиб, турмуш қийинчиликларини, замон талатўпларини, оғир ҳаёт манзараларини ўз кўзи билан кўрди, бевосита бошдан кечирди.

Бердақ овулдаги мактабни тугатганидан кейин, мадрасага ўқишга кириди. Бироқ у моддий жиҳатдан қийналиб яшагани учун, тирикчилик ғамида ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлади. У ўзининг «Умрим» шеърида ўша давр қийинчиликларини эслаб шундай дейди:

Дунёга келиб не кўрдим?
Кулфатда ўтди бу умрим,
На ўйнадим ва на кулдим,
Ҳасратда ўтди бу умрим.¹

Унинг ушбу аччиқ иқрорида етимлик азоб-уқубатлари ҳам, ўша даврдаги мавжуд тузумнинг оғирлиги ҳам, хонликдаги амалдорларнинг, чоризм истилочиларининг зулм-зўравонлиги ҳам ўз ифодасини топган.

Бердақ XIX асрда – Хива хонлиги амалдорлари қорақалпоқ халқини аёвсиз эзган, чор Россияси Ўрта Осиёни забт этган мураккаб тарихий шароитда яшади ва ижод этди. Халқ ичидан етишиб чиққан Бердақ овулма-овул юриб қашшоқлик манзараларини, даҳшатли эксплуатация ва халқнинг ҳақ-ҳуқуқсизликларини, меҳнаткаш омманинг қайғу-аламини, хон ҳокимияти вакиллари, бийлар, бойлар, миробларнинг ўзбошимчаликларини ўз кўзи билан кўради.

Бердақ оғир эксплуатацияга қарши халқ ҳаракатларининг ҳам гувоҳи бўлади. Бу ҳаракатлар эзилган омма кайфиятини англа тарди.

«Қорақалпоқ халқи, – деб ёзади олим Х.П.Воҳидов «Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари»¹ - деган асарда, – золим

¹ Бердақ. Танланган асарлар. Тошкент. «Ўзбекистон» 1998. 44-бет.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/75> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/75> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/75>